

КАТТАҚЎРҒОН ТЕАТРИ ВА СЦЕНОГРАФИЯ

Пардаев Шавкат Низомович,

Ўзбекистон Давлат Санъат ва Маданият институти

“Театр санъати” ихтисослиги мустақил изланувчиси (PhD)

Аннотация: Ушбу мақолада Каттакўрғон театрининг ўтган асрнинг 70-, 80-йиллардаги ижодий фаолияти ва актёрлари ҳақида сўз юритилади. Чунки, айнан шу даврларда республикамиздаги бошқа театрларда бўлгани каби Каттакўрғон театрида ҳам шартли ижро ва сценография кириб келди.

Албатта, бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор.

Шулардан биттаси 1976 йилда жамоага янги театр биносини қуриб топширилиши бўлса, иккинчиси бир қатор ёшларнинг ишга қабул қилиниши. Учинчиси эса режиссёр ва рассомнинг ижодий иттифоқидир.

Калит сўзлар: Гуруҳ, Каттакўрғон, шартлилик, режиссёр, “Қорбола”, “Момақалдиқоқ”, театр, труппа, “Момақалдиқоқ”, романтизм, ҳаёт.

Каттакўрғон театри директори Ширин Мелиева 60-йилларнинг охирида, яъни, театрининг 50 йиллик юбилеи арафасида актёрлар учун барча қулайликларга эга бўлган янги бино қуриш таклифи билан чиқди.

Натижада 1970-йилда театр биносини қуриш учун дастлабки ҳаракат амалга оширилди. Асосан ёғоч материаллардан кўтарилган эски театр ўрнида замонавий бино учун пойдевор ташланди. 1976-йилда эса янги бинонинг рамзий калити Ширин Мелиевага топширилади.

Замонавий бинонинг қурилиши театрда янги даврни бошлади десак, муболаға бўлмайди. Чунки, мушкул бир шароитда фаолият юритаётган ҳар қандай жамоа ҳам янги сахнага кўчиб ўтгач, кўтаринки кайфият ила, юксак марраларни кўзлаб ишга тушади. Каттакўрғон театри ҳам бу борадаги имкониятни қўлдан бермади.

Айни шу даврларда жамоанинг кейинги муваффақиятларини

белгилаган яна бир воқеа юз берди. Театрга бир неча истеъдодли ёшлар – Абдигани Абдираззоқов, Икромжон Хонимқулов, Гулбаҳор Мамедова, Зайниддин Омонов, кейинроқ Даврон Қодиров, Анвар Қаршибоев, Дилором Эгамова, Гулнора Ризаева, Умрзоқ Тиллаев, Мўмина Абдирашидовалар ишга келишди.

Одатда талантли актёрлар санъат тараққиётида муҳим рол ўйнаши азалдан маълум. Ўз вақтида бундай кадрларнинг ишга келиши билан Республикамизнинг қатор театрларида ижодий сакрашлар рўй берган. Бу жараён Каттақўрғон театрида 1976-йилдан кейин содир бўлди.

Маълумки, айнан 70-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистон театрларига янги йўналишлар кириб келди. Бу бош-адоқ шартлилик асосига қурилган режиссура, сценография ва реалистик талқин эди. Шунинг натижасида кишини тафаккурга ундайдиган ечимга элтувчи режиссёр, рассом, актёр иттифоқи шаклланди.

Одатда ушбу жараёнга Ғарбдан келган тенденция сифатида қарашлар мавжуд. Аммо, етук санъатшунослар бундай ижро қадимги ўзбек анъавий театрида бўлганлигини, бинобарин мазкур “янгилик” аслида яхшигина унутилган “эскилик” эканини эътироф этишади. Хусусан, бевосита ўзбек театри тарихи билан шуғулланган Муҳсин Қодиров бу ҳақда шундай ёзади: “Анъанавий театримизнинг муҳим принципларидан бири воқеа ўрни ва пайтини шартли кўрсатилишидир. Маълумки, масаҳарабоз ва қизиқчиларнинг спектакллари томошабинлар даврасида ўйналганки, бу махсус декорациялардан фойдаланишга имкон ҳам ҳуқуқ ҳам бермаган. Томошабинлар воқеаларнинг қайси пайт ва қаерда бўлаётганини ижрочиларнинг диалоги ва айрим шартли ҳаракатларидан билиб олганлар. Актёрларимиз диаметри 4 – 10 метр келадиган айлана “сахна”да ўн чақиримлаб йўл босганлар, бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа ўтганлар, хаёлан уй қурганлар, дарё, ариқ ҳосил қилганлар ва ҳоказо. Бунга актёрларнинг лозим бўлган ишонарли ҳатти- ҳаракатлари орқали эришилган. Саратон, совуқ, баҳор, пешин, оқшом, қоронғилик, ёруғлик тасаввури ҳам

шундай ҳосил қилинган” (Қодиров М.Ҳ. “Ўзбек халқ томоша санъати” Тошкент, Ўқитувчи – 1981, 44-45 бет).

Шу фикрлардан келиб чиққан ҳолда, шартлиликни ўзбек анъанавий театрининг ўзига хос услуби, деб қабул қилсак арзийди. Аммо, XX асрнинг саксонинчи йилларида театрларимизга кириб келган шартлилик ўзбек анъанавий театрида қўлланилган шартлиликка қараганда анчайин мураккаб шаклда бўлганини ҳам унутмаслигимиз керак. Чунки, бу услуб ўзбек анъанавий театрида спектаклга оид барча компонентларни натурал ифодалаш имконияти йўқлигидан қўлланилса, орадан юз йиллар ўтиб театрнинг декорация, ашёлар ва ижро масаласидаги муаммолари бартараф этилган даврда ғоявий тақчиллик сабабли қайта пайдо бўлди. Қолаверса, бу – замона зайлидир. Зероки, энди ўзбек театрлари шаклланиш жараёнини тугатиб, тараққиёт жараёнига ўтаётган, тўрт йил давом этган Жаҳон урушининг асоратларини даволашда лозим бўладиган кўтаринкилик, романтизм поёнига етаётган, томошабинларда ҳам давр ва авлодлар алмашинуви туфайли янгича талқинга эҳтиёж сезилаётган пайтлар келганди. Шунинг натижасида бадиий талқинда кундалик ҳаётга яқинлашиш, замон, макон, ҳаёт ҳақида жиддий мушоҳада этиш эҳтиёжлари туғилди, “Санъат – ҳаётнинг бадиий инъикоси” деган қараш ўз маъносида ишлатила бошланади. Зеро, томошабинлар театр минг уринмасин, ҳаётнинг айнан ўзи бўлолмаслигини, бинобарин унинг компонентлари ҳам фақат шу бадиийликни ифодалаш воситаси эканини англай бошлагандилар. Шундай экан, энди декорацияда ҳар қандай жой манзарасини кўрсатиш учун бир неча штрихлардан фойдаланиш етарли натижани бера олар, боз устига ўша штрихлар спектаклнинг бадиий ечимини ифодалашда ҳам асосий ролни ўйнади.

Мазкур инқилобий ҳолат Каттақўрғон театрини ҳам четлаб ўтмади. Айнан янги бинонинг қурилиши, турли тажрибалардан кўрқмайдиган ёшларнинг ишга қабул қилиниши, раҳбариятнинг кечаётган воқеликларга тўғри баҳо бериши, жамоанинг замонавий санъатга ҳамоҳанг қадам ташлаши

ва янгилашиш жараёнини зиммасига олган режиссёр ва рассом иттифоқи бу жараённинг бошланишига туртки бўлди.

1977 йилда Баҳодир Йўлдошев ва Георгий Брим томонидан Каттакўрғон театрида сахналаштирилган Саид Аҳмаднинг “Келинлар кўзғолони”ни ҳақли равишда шартли талқинга ўтишда илк қадам дея, таъкидлаш мумкин.

Комил Яшиннинг “Тор-мор” асари эса бу борадаги иккинчи қадам бўлди. Мазкур спектаклда кекса ва ўрта авлод актёрлари қаторида эндигина сахнага қадам қўйган ёшлар ҳам ўзларини кўрсатдилар. Бу ҳақда “Ўзбекистон маданияти” газетасининг 1977 йил 13 декабр сонидида қуйидаги илиқ фикрларга дуч келамиз.

“...Каттакўрғон шаҳар драма театри ижодий коллективи сўнгги йилларда ўз репертуарини томошабинлар талабига кўра замонавий асарлар билан бойитмоқда. Жумладан, Комил Яшиннинг “Тор-мор” драмасини театр сахнасида қўйилиши фикримизнинг далилидир...

...Арслон образини ижро этган ёш умидли актёр Зайниддин Омонов ўз қахрамонини барча томонларини очишга, образни тўлақонли яратишга интилган, бунга деярли эришган ҳам. Гулбаҳор Мамедованинг ижрочилик маҳорати мактовга лойиқ. Сахнада содда самимий, гулдек беғубор, ўз севгисига содиқ, вафодор ёрининг рақиблари билан олишишларида синфий онги улғайган, жасоратли, курашчан Дилбарни кўрдик...” (Худойкулов Я. Эътиқод кучи, “Ўзбекистон маданияти”, 13 декабрь, 1977 йил).

Режиссёр ва рассом ҳамкорлиги Каттакўрғон театри ижодий ходимлари мисолида илк бора режиссёр Неъмат Шомуродов ва рассом Неля Караевалар иттифоқида кўзга ташланади.

1982 йилда Неъмат Шомуродов ва Неля Караева А.Н.Островскийнинг “Момақалдиروق” драмасини сахналаштиришди. Айнан шу спектаклни Каттакўрғон театрининг шартли талқин ва сценография тўла-тўқис қўлланилган илк спектакли, дея эътироф этиш мумкин.

Пьесадаги конфликт инсоннинг мавжуд тузумга қарши исёни асосига

қурилган. Калиновга келин бўлиб тушган Катерина бу ердаги тузумни ҳазм қилолмайди. Бир маромда оқаётган савдогарлар ҳаёти у учун ўта зерикарли, нохуш кеча бошлайди. У нақадар уринмасин, бу тузумнинг бир бўлагига айлана олмаслигини сезгач, ўзи яшаётган жамиятдаги консерватив кимсаларга қарши бош кўтаради. Буни Н. Добролюбов “...шафқатсиз ва ҳурматсиз савдогарларга қарши исён⁴” (Добролюбов Н.А. “Луч света в темном царстве”. Собрание сочинений. Том 6. Стр 76. М-Л.: Гослитиздат, 1963), деб атайди.

Каттакўрғон театри асарни кўлга олганда озодлик ва эркинлик йўлида жоҳиллик, тирания, шафқатсизликка қарши курашишни мақсад қилгани боис спектаклдаги кураш қайнона-келин ўртасида кечаётгандек туюлсада, аслида ўз принципларига эга бўлган икки авлод вакиллариининг ҳаёт-мамот жангидек гавдаланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Худойкулов Я. Ётиқод кучи, “Ўзбекистон маданияти”, 13 декабрь, 1977 йил.
2. М. Ҳ. Қодиров. “Ўзбек халқ томоша санъати” Тошкент, Ўқитувчи – 1981.
3. Добролюбов Н.А. “Луч света в темном царстве”. Собрание сочинений. Том 6. Стр 76. М-Л.: Гослитиздат, 1963.